

Ушбу сонда:

2 КАСАБА УЮШМАГА ХАТ КЕЛДИ

3 ҚОНХЎР ТЕРРОР Бу балога қарши кураш башарият учун ё ҳаёт, ё мамот масаласидир

4 САИДА ЗУННУОВАНИ ЭСЛАБ



ЎЗНОНСИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 октябр, сешанба №169 (1183)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 йил — Onalar va bolalar yili



Қаршида зардўлик билан шуғулланганлар кўпчилиги ташкил этади. Шулардан бири — Гулчехра Примкулова. Ишга ҳам, сўзга ҳам чечан бу опанинг маҳаллада ўз ўрни бор. У шаҳардаги «Қарлуғ Богот» маҳалласининг етакчиси ҳамдир.

Гулчехра опа биринчилардан бўлиб зардўлик ишини бошлаган эди. Эндиликда эса унинг шогирдлари жуда кўп. Хозир опа 50 нафар кизга касбнинг сиру асрорини ўргатмоқда. Зардўликда яратган «Гулдўзи» — Қарши нусхасини тинмай изланиш самараси дейиш мумкин.

Суратларда: зардўз Гулчехра Примкулова шогирдлари даврасида; либослар намойиши.

Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



29 октябр куни жаҳондаги етакчи теннисчилар рейтинг рўйхати эълон қилинди. Унда мамлакатимизнинг умидли теннисчиси Ирода Тўлаганова жаҳондаги энг кучли ракетка усталари рейтингига 1204 очко билан йигирманчи поғонага кўтарилгани қайд этилган.

Юлдузли ОНЛАР ОЛДИНДА!

Бунга қадар ҳамюртимиз рейтинг жадалининг 26-поғонасини эгаллаб турган эди.

Ушбу жадалнинг дастлабки икки поғонасини америкалик теннисчилар - Женнифер Каприатти ва Линдсей Дэвенпорт банд қилган. Рейтингда узок вақт биринчи ўринни банд этиб келган швейцариялик Мартина Хингис эса хозирча учинчи ўринда.

Профессионал теннисга қадим қўйганига ҳали янб вақт бўлмаган эса-да, Ирода Тўлаганова дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Ўзбекистонлик теннис ихлосмандлари кучли йигирмаликдан жой олиш Ирода учун чегара бўлиб қолмаслигига ва унинг юлдузли онлари ҳали олдинда эканига ишонади.

(ЎЗА)

МИНГБУЛОК ЙОДИ

Атрофи юксак ва қадимий тоғлар халқаси билан ўралган Фарғона водийси турли хил қазилма бойликларга сероблиги билан эътибор топан. Мингбулок заминида аниқланган истиқболли порлоқ саналган нефт, Поп туманидаги Чоқдак олтин конлари, тоғлардан олинган мармар ва бошқа қатор конлар шулар жумласидандир.

Яқинда Наманган вилояти қазилма бойликлари яна биттага кўпайди. «Наманган» ширкат хўжалиги ҳудудида йод захираси аниқланди ва уни турли бирикмалардан ажратиб олиш ишлари бошланди. Ўрта Осиёда гоят қадим ҳисобланган бу модда катта миқдосда қазиб олишни йўлга қўйиш учун қурилиш ишлари суръати тезлаштирилди.

(ЎЗА)

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Кумкўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли хиссадорлик жамияти Сурхондарёдаги йирик меҳнат жамоаларидан бири. Ишлаб чиқаришда илғор тажрибалар кенг жорий этилаётганлиги, техникавий омиллардан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли маҳсулот этиштириш кўпайиб, ҳосилдорлик ошиб бормоқда.

ПУДРАТ

мўмай даромад манбаи

Хиссадорлик жамияти ҳудудида Кумкўрғон, Янбош, Хўжамулки, Янгиер, Қарсақли, Очамайли каби 18 та қишлоқ бўлиб, улар тўлиқ газлаштирилиб, ичимлик суви билан таъминланган. Бош режа асосида замонавий турар-жойлар қурилган. Мавжуд 9 та маҳалла кўмига фаоллари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига бош-қош бўлмоқдалар.

Бу йил 2420 гектар пахта майдонида мўл ҳосил этиштирилди. Натижада тайёрлов ташкилотларига 7430 тонна ўрнига 8300 тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 33 центнердан ошди.

Пудратчи Имомкул Абдуллаев ўзининг оила аъзолари билан ҳар гектар майдондан 33 ўрнига 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Йил давомида 3,5 миллион сўм даромад қилди. Шундан 1 миллион сўми соф фойда.

Шайдуллох Абдивоҳидов бошлиқ оилавий пудратчиларнинг соф фойдаси эса 3 миллион сўмга етди. Соат Аралов, Абдусоли Ермушов, Санам Курбонова, Холбой Холматов, Гулом Усанов кабилар ҳам ана шундай натижаларга эришдилар.

Хўжалигимизда 132 та насос бўлиб, сув Сурхондарёдан 5 марта кўтарилишда келади, - дейди бош иқтисодчи Алламурод Бойматов. - Жорий йилда пахтачиликнинг ўзидан 650 миллион сўм даромад олиш кўзланмоқда. Шунинг 6 миллион сўми аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ишчиларни муқофотлаш учун сарфланади.

Ғаллакорлар режадаги 4742 тонна ўрнига 5040 тонна дон тайёрлаб, давлатга топширдилар. Режани ошириб бажарган пудратчиларга 90 тонна маҳсулот бепул берилди. Абдурашид Убайдуллаев, Соат Аралов, Хўшвақт Жўраев, Эргаш Турсатов, Шогдор Аноров кабилар муқофот тарихида 8-10 тоннадан ғалла олдилар. Бундан ташқари 3 миллион сўмлик дон давлат харид баҳосида пудратчиларга берилди.

Иқтисодий рағбатлантириш асосий эътиборда турибди. Пахта тайёрлаш шартномавий режасини биринчи бўлиб ошириб бажарган деҳқончилик участкаси йил охиригача «Тико» энгил автомашинаси билан тақдирланади. Иккинчи ўринга 500 минг сўм, учинчи ўринга 250 минг сўм муқофот қўйилди. Бош пудратчилар рангли телевизор, видеомагнитофон, ҳатто, бир бош от билан ҳам муқофотланади. Муқофотнинг ўзига хиссадорлик жамияти ҳисобидан 5 миллион сўм ажратилган. Бундан ташқари, вилоят матлубот жамиятлари кенгаши ҳам ҳиммат кўрсатиб, пахта теримида кўмаклашган 56-мактабни ҳамда бош пудратчи Абдурашид Убайдуллаевнинг рангли телевизор ва видео магнитофон, уястка бошлиги Турди Ниёзовни 2 та гилам билан муқофотлайди.

Мавсумда терим қатнашчиларига 600 минг сўмлик бепул иссиқ овқат берилди. Режадан ташқари топширилган ҳар бир тонна пахта учун 50 килограммдан ўсимлик ёғи, 150 килограммдан аралаш ем, 200 килограммдан шулха тарқатилади, - деди касаба уюшма кўмитаси раиси Рашид Чориев.

Н. ИСОМИДИНОВ.

РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат назорат органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш натижалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда ўтказилаётган текширишлар самарадорлигини тартибга солиш ва ошириш, назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймастик борасида Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида илгари сурган масалалар муҳокама этилди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитаси раиси Б.Хўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов, «Ўздавстандарт» маркази бош директори А.Мақсудов ва айрим республика банклари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида қўлланилаётган чора-тадбирлар (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 39 фоизга камайтириш имконини берди. Шунингдек, назорат органлари фаолиятининг самарадорлиги ошди, улар томонидан ўтказилган текширишларнинг учдан икки қисми текширилган хўжалик юритувчи субъектлар ишларидаги камчилик ва тартиббузарликларни очиб берди. Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, йўл қўйилган тартиб-

бузарликлар учун назорат органлари томонидан айбдор хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 49 миллиард сўмдан ортиқ молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, йиғилишда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, назорат органлари ва кенгашининг ҳудудий комиссиялари фаолиятида ханузгача камчиликлар, назорат ишларини тақомиллаштириш, текширувчиларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига келгусида асоссиз аралашувининг олдини олиш борасида талай имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Тижорат банклари, божхона, молия ва статистика органлари томонидан амалга оширилаётган текширишларнинг самараси камлигича қолмоқда.

Айрим назорат органлари томонидан қонунга риоя қилинувчи субъектларнинг фаолияти чуқур таҳлил қилинмасдан, ишлаб чиқилган мезонлар ҳисобга олинмасдан, ҳали ҳам текширувлар режа-жадвалига киритилмоқда. Кўпгина назорат органлари томонидан режадан ташқари текширишлар ўтказиш учун аризалар асоссиз равишда тақдим этилмоқда. Шу сабабли ҳисобот даврида кенгаш томонидан бундай аризаларнинг 42 фоизи рад этилди. Ваҳо-

ланки, кенгашнинг ҳудудий комиссиялари томонидан назорат органларига режадан ташқари 3,5 мингтага яқин текшириш ўтказишга рухсат этилган. Бундай текширишлар айниқса Тошкент шаҳри, Наманган, Жиззах ва Фарғона вилоятларида кўп ўтказилган.

Ишларнинг бундай аҳоли Тошкент шаҳри мисолида яққол намоён бўлди. Йиғилишда пойтахтда турли назорат органлари томонидан текширилаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони талайгина эканлиги таъкидланди. Масалан, биргина Миробод туманида тадбиркорлик субъектлари жорий йилда ўтган йилга нисбатан 60 фоиз кўп текширилган. Ваҳоланки, ушбу туманда уларнинг 700 тага яқини ўз фаолиятини тўхтатган. Айрим текширишлар тегишли рухсатномага эга бўлмаган ёки аттестациядан ўтмаган ходимлар томонидан амалга оширилмоқда. Кўрсатилган камчиликлар назорат ташкилотлари аризаларининг чуқур ишлаб чиқилмагани, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тўғрисида етарли даражада асосланмаган қарорларнинг қабул қилиниши, ушбу ва бошқа масалаларда кенгашнинг ҳудудий комиссияси ҳамда Давлат солиқ бошқармасини сабабли юзага келган.

Шунингдек, йиғилишда Давлат солиқ кўмитаси фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, кўмига, айниқса, унинг ҳудудий

булинмалари фаолиятида жиддий камчилик ва хатоликлар мавжудлиги қайд этилди. Тошкент, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида рухсат этилмаган текширувлар ўтказишга, уларни ўтказиш бўйича белгиланган мuddатлар бузилишига йўл қўйилган, баъзи Давлат солиқ бошқармалари эса барча режалаштирилган текширишлар амалга оширилишини таъминламаган.

Таъкидландики, «Ўздавстандарт» иши республикада амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб бермайди. Ўтган йилга нисбатан меъёрий ҳужжатлар бузилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётган, айниқса, озиқ-овқат, вино-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқараётган корхоналар сони кўпайган. Текширилган корхоналарнинг катта қисми текширилмаган ўлчаш воситаларидан фойдаланмоқда. «Ўздавстандарт» марказининг қатор бўлинмалари томонидан текширувчи давомида аниқланаётган хатога йўл қўйган мансабдор шахслар, айбдорларга нисбатан ҳеч қандай жазо чоралари қўлланилмапти. Юқланган жарималар эса тўлиқлигича ундирилмапти.

«Ўздавстандарт» бош директори ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли товарлар тайёрлашни таъминлашга қаратилган самарали назоратни ўрнатиш бўйича муқаммал чоралар тадбирлар қабул қилиниши учун шахсан жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Йиғилишда 533 нафар мансабдор шахс хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш тўғрисидаги қонун бузилишига йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортилган бўлса-да, назорат органлари ҳудудий бўлинмаларининг қўллаб раҳбарларига нисбатан уларнинг юқори органлари томонидан рухсат этилмаган текширувларни бошлагани учун кескин жавобгарлик чоралари қабул қилинмапти. Кенгаш ҳудудий комиссия раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиги А.Латипов ўз вазифасидан озод этилганини эътиборга олди ва Тошкент шаҳар ҳокими ҳамда давлат солиқ кўмитаси раисига йўл қўйилган камчилик ва хатоликларни диққат билан ўрганиб чиқиб, бошқа айбдор мансабдор шахсларга нисбатан ҳам кескин чоралар кўришни тақлиф этди.

Шунингдек, йиғилишда текширувларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга алоқадор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов бошқарди. Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Р.Азимов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиги Г.Саидова, Республика бош прокурори Р.Қодиров, шунингдек, назорат органлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди.

(ЎЗА)

Истеъмолчи манфаати муқаддас. Уни назорат қилиб бориш эса давлат метрология, стандартлаш ва сертификатлаштириш маркази зиммасига юклатилган. Ҳўш, бу борада Наманган вилоятида қандай ишлар қилинмоқда?

Таъкидлаш жоизки, истеъмолчи пешона тери билан толган пулига ўзи учун зарур ҳамда сифатли мол сотиб олишни истайди. Бинобарин, олдиндан белгиланган режа асосида мулк шакли қандай бўлишидан қатъи назар, жойларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўздан кечириб борилмоқда. Давлат стандарт мезонларига жавоб бермаган маҳсулотлар истеъмолдан олиб ташланапти. Бу талабни бузган сотувчига қонун доирасида жазо чоралари қўрилмоқда.

Чунончи, «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши»нинг режа-жадвалига мувофиқ вило-

Маҳсулот сифатини кимлар бузмоқда?

739,2 минг сўм миқдорига иқтисодий жарима қўлланилди. Давлат назорати таҳлиллари шуни кўрсатадики, «Ўзқишлоқ-таъминотгаъмир», «Ўзметасаб-завотузумсаноат», «Ўзпахтасавдо» ишлаб чиқариш очик турдаги хиссадорлик жамиятида 2 хил турдаги, яъни тўшак ва кўрпа жиддари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Лекин тайёрланаётган ушбу маҳсулот-

масъул ходимлар жарима тўлашга мажбур бўлишди. Поп туманидаги «Ўзбекистон том ёпқич ашёлар комбинати» хиссадорлик жамиятида эса ахвол бундан-да баттар. «Изол-ИБД» ва «РКП-350» рубликларнинг ёрликларига бир қатор камчиликлар бор. Базальт толаларининг сифати ҳам физик кўрсаткичлар бўйича талабларга жавоб бермайди.

Маҳсулот сифати корхона кўзгуси, деб бежиз айтилмаган. Ўз шаъни учун курашмоқ ҳар бир корхона раҳбари, унинг ишчи-хизматчиси учун ҳам фарз, ҳар қара бўлмоғи шарт.

Х. КАМОЛОВ, Давлат метрология, стандартлаш ва сертификатлаштириш вилоят маркази раҳбари.

ЖАРИМА БИЛАН АҲВОЛ ЎЗГАРМАЙДИ

«Ўздонмаҳсулот» тармоқларида таъкидланган камчиликларга кўпроқ йўл қўйилмоқда. Айрим корхоналарда эса маҳсулот ишлаб чиқаришда масъул жавобгар ходимларнинг совуққонликлари, ўз зиммаларига юклатилган вазифа ва бурнга етарли аҳамаият бермаётганликлари ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Масалан, Янгиқўрғон туман «Матлубот-

Ибрат ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўртасарой» маҳалласида Набижон Эгамбердиев бошчилигида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, қатор кўчалар ободонлаштирилди. Ҳашар йўли билан маҳалла гузари кўримли масканга айлантирилди. Ичимлик суви, газ ва электр қуввати тармоқлари қайта созланди, хонадонлар учун алоҳида таъминот марказлари ташкил этилди. «Кўксарой» фирмасининг раҳбари Дилшод Миржалолов электр тармоғи учун қучла-ниш трансформатори ва сув насосини ўз ҳисобидан харид қилиб берди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган ўрта мактабга зарур ускуналар сотиб олинди, ҳашарчилар ёрдамида иситиш тизими янгиланди, қатор бинолар таъмирланди.

Тўйларни ўтказишга алоҳида масъулият билан ёндошилмоқда. Тантаналар бир кунда, кўёв хонадонидан кундузи ихчам, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказилляпти. Бу ишлар кўпчилик дилдаги гап бўлди. Энди кимдир икки, уч кунлаб дабдала тўй қилиб, ном чиқаришга ҳаракат қилиши, иккинчи хонадон қўли калталиқ қилиб, ер чизиб қолишига барҳам берилди. Бунда кўмакка муҳтож хонадонлар эътибордан четда қолмайди. Масалан, марҳум Пардабой Жўломоновнинг икки қизи, Сора опа ўғлининг никоҳ тўйлари ҳамқишлоқлари ёрдамида қўнгилдагидек ўтказилди. Умрини ёшларга билим беришга сарфлаган ўқитувчи Турсуноӣ Эрматованинг пенсияга чиқиш маросими шогирдлари ва маҳалла аҳли иштирокида катта шодийнага айланиб кетди.

Шунга ўхшаш ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Халқ ишончи катта бахт, - дейди Н.Эгамбердиев. - Шу билан бирга катта масъулият ҳамдир. Одамларнинг миннатдорчилик билан боқишларига қараб, кучимизга-куч қўшилиди, ишлаб чарчамаймиз. Маҳалла аҳлининг тинч, фаровон ҳаёт кечиринишлари, арзимаган ташвиш билан қаёқлардагидек сарсон бўлма-ликлари учун имкони бор ҳамма ишларни қилияпмиз. Амбулатория, ҳаммом, бозор, машиш хизмат тармоқлари ва чойхона ишлаб турибди.

Маҳалла ўртасидан оқиб ўтайдиган канал устига кўприк бундан 30 йил илгари қурилган бўлиб, автомобил қатнови ва пиёдалар учун ҳам ноқулай эди. Маҳалла оқсоқоли йўл қурилиш бошқармасига кўп марта қатнади. Натихада кўприк ёнидан пиёдалар учун алоҳида йўлак — кўприкча қурилди.

Ишсиз ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, улардан 35 нафари Тўйтепадаги қўшма корхонага ишга жойлаштирилди.

Темур ХАЙДАРОВ.




ХАСТА КЎНГИЛ ҚУВОНЧИ

Яқинда Денов туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг Янгиобод маҳалласида истиқомат қилаётган Муҳаммадиевлар хонадонидан «Лочин-Д» автокорхонаси раҳбари Номоз Жўраев ташриф буюриб, 17 ёшли Бехзод Раҳмоновга ногиронлик аравачасини ҳадя қилди.

Корхона раҳбарининг бундай олижаноблигига ногирон ҳам унинг онаси, 33 йилдан буён халқ таълими соҳасида ишлаб келаётган, оилада тўрт ўғил, тўрт қизни тарбиялаётган Н.Муҳаммадиева ҳам раҳмат айтишди.

— Туманимизда соҳаватли инсонлар, жомалар кўп, - деди ижтимоий таъминот бўлими мудири Халимаҳон Алимова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — «Лочин-Д» автокорхонаси раҳбари Номоз Жўраев ана шундай кишилардан саналади. Унинг ўзи ҳам, жомаси ҳам ёрдамга муҳтож оилалардан ҳимматларини аямайди.

Самарқанддаги Сиёб тумани ўзининг тарихий ёдгорликлари билангина эмас, балки «Бофанда» ҳиссдорлик жамиятида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари билан ҳам машхурдир. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 50 турдан зиёд маҳсулотлар ўзининг сифатли ва беҳиримлиги билан ажралиб туради.



Суратларда: моделлар конструктори Любов Дурасова, тикувчи Раъно Исоқова ва бosh мутахассис Азима Ҳамидова; тўкувчеи бошлиғи Мамат Пўлатов ва тикувчи Дилфуза Аминжоновна.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Сирдарёда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш оралиги кўплаб янги иш ўринлари яратишга эришилмоқда.

Минглаб одамлар тақдирини деҳқончиликка боғлаган кўна Мирза-Чўлда ҳам иш ахтарувчилар пайдо бўлди. Тўғри, юзлаб одамлар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ташкил этаётган меҳнат ярмаркаларида ўз ўринларини топаётди. Ташкилот ва корхоналардаги бўш лавозимлар захира-си яратилганлиги ҳам уларга қўл келаяпти. Бирок бу — масала ижобий ҳал этилди, дегани эмас. Кўпчилик, табиийки, фаол ишлаб муъай даромад орттиришни истайдилар. Бундайларга хусусий тармоқда фаолият юритиш қўл келмоқда. Вилоятда тадбиркорлик учун яратилган мўътадил муҳит соҳа тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Оддий бир мисол. Айни чоғда 6991 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 1100 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бу эса 5758 та янги иш ўринлари яратилишига имкон туғдирди.

Тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан 2764,6 миллион сўм, но-бюджет фондлари маблағлари ҳисобидан эса 290,4 миллион сўм кредит ажратиб берди. Бу эса ишбилармонларнинг оёққа туриши, фаолиятини тақомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадбиркорлик субъектлари ривожланиши

Яқинда ушбу корхона саноатчилари Испанияда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада маҳсулотлар сифати учун олтин медалга сазовор бўлдилар. Шунингдек, «Бофанда» маҳсулотлари Москва, Санкт-Петербург, Олмота, Ташкент шаҳарларида бўлган халқаро кўргазмаларда ҳам юқори баҳоланди.

Ислоҳот инсон учун!

ника хавфсизлиги қридаларининг қўпол бузилиши

ги грантга эга бўлди. Шунингдек, уюшма қошида ўнга яқин мутахассисликлар бўйича касб-маҳоратни ошириш курслари ташкил этилди. Унда 300 нафардан зиёд хотин-қиз таълим олди. Қишлоқ аёлларига нафақат мамлакатимиз, балки хорижда малака ошириш имкони яратилган. Хусусан, Олмония хунармандлар палатаси қилар ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

— «Тадбиркор аёл» уюшмаси мадади билан бир миллион сўм кредит олишга эришдим, - дейди мизабоблик тадбиркор Хусния Хўжаева. — Бу маблағга нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ва ошхона очдим. Айни чоғда ўн нафар аёлни иш билан таъминладим. Сифатли маҳсулот чиқаришга эришяпмиз.

Вилоят тадбиркорлари фаолиятига назар ташлар эканмиз, Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «... Барчамиз бир ҳақиқатни англаб олишимиз зарур: Тарихнинг қайси даврини олмайлик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор тўралар ва турли-туман текширувчилар эмас, балки, ғайрат-шижоатли, ташаббускор ва тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб яшашига ва халқ фаровонлигини таъминлаганини кўрамиз.»

Дарҳақиқат, шундай. Сирдарёда вилоят тадбиркорлари ҳам юрт фаровонлиги йўлида фидокорона ишлаш пайида бўлишяпти. Бугунги фаол саъй-ҳаракат эртага муваффақият келтиришига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Бор бўл, оқибат! ЯНГИ КЎПРИК икки қишлоқни ўзаро боғлади

«Чубор» ва «Қора» қишлоқлари ўртасидан ҳайқириб Сангзор дарёси оқиб ўтади. Унинг устига ҳар иккала қишлоқни боғловчи, борди-келдини таъминловчи кўприк қуриш керак эди. У қачон қурилади? Кўприк давлат томонидан қуриладими ёки...

Ана шу саволларга саховатпеша Жуман ака Нуримов аниқ жавоб берди. Ҳаж зиёратига бориш учун тўплаган барча жамғармасини сарфлаб кўприк қурди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йилда кўпчилик бу саховатни «Ҳаж зиёратига тенг, катта савобли иш» деб юқори баҳолади. Шундан сўнг Жуман акани «Ҳожа ота» дейишадиган бўлишди.

Отанинг асли касби шофер. Баҳамалда 40 йил ҳайдовчилик қилган. Тоғ оралаб кетган «Фаллаборол-Баҳамал-Зомин» йўли қурилишида қатнашган. Шу йўл четларида ихота дарахтлари экиб, ниҳоллар қўқаргунча машинада сув ташиб сугорган ҳам шу киши.

Жуман аканинг хайрли ишларидан яна бири 6 километр масофада канал қаздириб, қақраб ётган даштга оби-ҳаёт олиб келди. 250 гектар янги ер ўзлаштирилиб, экинзорга айлантирилди. 20 гектар майдонда бoғ барпо қилди. Каналга «Муствақиллик канали», боққа эса «Истиқлол боғи» деб ном қўйди.

— Отам «Унғ қўлинг қилган савоб ишни чап қўлинг билмасин», «Дарахт эк, сув чиқар, йўл қур, кўприк сол, ҳаммасини фақат беминнат бахар», деб насихат қилардилар, - дейди у. Мен ана шуларга амал қилмоқдам.

Жуман аканинг хайрли ишлари шулар билангина тугамайди. У киши қишлоқдаги мактабни таъмирлашга ёрдам бериб туради. Кам таъминланган қишлоқдошларига моддий қўмак кўрсатади. Тўй-маъракаларнинг тартибли ўтишига бош-қош.

Шундай саховатпеша инсонлар доимо бор бўлсин!
Алибой ЭРАШЕВ, журналист.

Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг яхшилаш юзасидан Наманган вилоятда бир неча ҳажмда йирик ва кичик газ тармоқлари тортилиб, бу ишларга давлат томонидан катта маблағ сарфланди.

АЖОЙИБ ЛОЙИҲА АСОСИДА

Ҳукумат томонидан тасдиқланган режага мувофиқ яқинда яна бир йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди. Бу вилоятда газ таъминотини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Наманган туманининг Қумкўрган қишлоғида «Наманган-КШ» замонавий автоматик газ тақсимлаш станцияси қурилишига дастлабки гишт қўйилди.

Мазкур лойиҳа қиммати 1 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этади. Ана шу маблағ ҳисобига газ тақсимлаш станцияси операторлари учун турар-жой, машиш корпус қурилади, 14 километр ҳажмдаги газ тармоғи тортилади.

Йирик иншоот фойдаланишга топширилган, Наманган шаҳри, Уйчи ва Наманган туманидаги 50 мингга яқин турар-жой биноларида газ таъминоти яхшиланади.

«Туркистон-пресс».

ЧЕТ ЭЛДАН БУЮРТМА

Фирмамиз 1994 йил ташкил этилганида бор-йўғи 2 киши ишларди. Бугунги кунда 36 нафар йигит-қиз фаол меҳнати эвазига 3 тонна ширинликлар билан пойтахт аҳолисини таъминлаб келаяпмиз.

Ишчиларга бепул тушлик ва махсус кийим берилмоқда, тумандаги қариялар, ногиронлар ва меҳрибонлик уйини оталиққа олганмиз. Ҳар байрамда дастурхон тузаб, совғалар топшираемиз. Касаба уюшма фаоллари навбат билан уларнинг ҳолидан хабар олиб туришибди.

Яқинда Германия, АҚШ ва Россия вакиллари фирмамизда бўлишиб, маҳсулотларимизга харидор бўлишди. Ҳозирги кунда чет элга маҳсулот чиқариш чоралари қўйилляпти. Имкониятларимизни намалаб, цехларни кенгайтиришга киришдик. Янги йилдан бошлаб қўшимча яна 15-20 ишчи ўрни очиш мўлжалланаяпти.

Бу йил республикада соҳамиз бўйича қўриқ-танловларда иштирок этиб, 1 даражали диплом билан тақдирланиб, «Йилнинг энг яхши корхонаси» деган фахрли номга сазовор бўлдик.

Ишчи ва хизматчиларимизнинг тўй-маъракалари-га жамоа шартномасида белгиланганидек, қандолат маҳсулотлари бепул берилмоқда. Уларнинг иш-лашлари ва хордиқ чиқаришлари учун барча шароитни яратганмиз.

Моҳира ЮСУПОВА, Шайхонтоҳур туманидаги «Дироз» ишлаб чиқариш фирмаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

Наркология шифохонаси бошқа тиббиёт масканларидан ҳар жиҳатдан фарқ қилади. Бу ерда ўзинга хос тартиб-қоидалар мавжуд. Чунки мазкур шифохонада даволанаётганларнинг аксарияти жамиятда амал қилиниши лозим бўлган қонун-қондалар чегарасидан чиқиб кетган ичкиликбоз ва гиёҳвандлардир. Уларнинг хулқ-атворлари доимий ва қатъий назоратга муҳтож. Шу сабабли наркология шифохонаси илгари ИИВ тасарруфида эди. Эндиликда бу маскан соғлиқни сақлаш тизимига ўтказилган.

...Шу йилнинг 11 июлидан 12 июлга ўтар кечаси ҳамшира В.Абдуллаева, тиббиёт ходимлари И.Нишонов, К.Каттабеков навбатчилиги пайтида уч нафар бемор тунда шифохонани тарк этиди. Уларнинг қочиб кетганиги ёки навбатчи ходимлар томонидан чиқариб юборилганлиги тўлиқ аниқланмаган. Уша кун навбатчи бўлганларнинг тушунтириш хатларига кўра беморлар навбатчиларга дўқ-пўписа билан тазйиқ ўтказиб, панжара-тўсиқнинг синиқ оралигидан чиқиб кетишган. Тартиббузарлар эса очиқ қолган эшикдан чиқиб, қишлоқнинг айтишган. Қимга кўпроқ ишониш керак: шифохона ходимларига ёки гиёҳванд беморларгами?

Шу воқеа сабаб бўлиб, ҳамшира В.Абдуллаева ишдан бўшатилди. Маъмуриятнинг буйруғига унинг тушунтириш хати ва касаба уюшма ташкилотининг баённомаси асос қилиб олинган. Ҳолбуки, В.Абдуллаева ва бошқаларнинг тушунтириш хатлари

мазмуни навбатчиларнинг айбли ҳаракатларини тасдиқламайди. Иккинчидан, маъмуриятнинг ходимини ишдан бўшатишга розилик сўраб касаба уюшма кўмитасига йўллаган тақдирномаси юридик талабларга мос эмас. Учинчидан, шифохона касаба уюшма кўмитасининг 14-баённомаси қайси санада ўтказилган мажлисни эканлиги ҳам қайд этилмаган. Мажлисга шифохона ҳуқуқшуноси ҳам, айбдорларнинг бирортаси ҳам таклиф этилмаган. Бу баённома муҳокамаси юзаки ўтказилганини кўрсатади. Чунки ўша тунда навбатчиликда бўлган ходимларнинг айбдорлик ёки айбсизлик даражаси таҳлил қилинмаган. Оқибатда касаба уюшма кўмитаси (раиси Д.Қосимова) ўз ваколатига ҳилоф равишда «В.Абдуллаева билан меҳнат шартномаси бекор қилинсин»

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

деган мазмунда қарор қабул қилган. Маъмуриятнинг меҳнат шартномасини бекор қилишга оид 47-К буйруғини ўзига нисбатан адолатсизлик деб ҳисоблаган В.Абдуллаева Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши-

47-К сонли буйруқлари ҳам УЗР МКнинг 182-моддаси талабларига зид ҳолда чиқарилган». Шунингдек унда маъмуриятнинг касаба уюшмасига шу масаладаги ёзма мурожаати ва касаба уюшма кўмитасининг шу йил июл

меҳнат қонунларига асосланган. Шифохонада ички меҳнат тартиб-қоидалари ҳам мавжуд эмас. Бунингсиз, интизомни бузган ходимнинг айбдорлик даражасини аниқлаш қийин. Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг хизмат вазифаси, лавозими мажбуриятларини қатъий белгилаб қўйиш шарт.

Шифохонадаги суҳбатлардан аён бўлдики, бу ердаги беморларнинг хулқ-атворини ҳисобга олиб, ходимларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий чоралари қўриб қўйилса айни мудоао бўларди. Сабаби касалликнинг хуружи вақтида беморлар тиббиёт ходимларига тазйиқ ўтказмайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Натихада меҳнат интизоми, шифохона иш тартиби бузилаверди. Навбатчилар айбдор бўлиб қолаверди.

Шифохона маъмуриятининг масъул ходимлари В.Абдуллаевани вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг тақдимномасига асосан ишга тиклашни рад этганликларини, судга мурожаат қилишни ва суд қарорига мувофиқ иш тутишларини билдиришди. Демак, оидил суд бу масалага оидлик киритади.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

КАСАБА УЮШМАГА ХАТ КЕЛДИ

га мурожаат қилди. Вилоят Кенгаши ҳуқуқшунослари текшириш жараёнида маъмурият томонидан қонун талаблари бузилган ҳолатларни аниқлашди. Қуйида Кенгаш томонидан шифохона бош ҳақими Б.Назиров ва шикоятчига йўлланган расмий хатдан бир парчани келтирамиз: «Шифохона маъмуриятининг кўрсатмасига асосан, Сиз жорий йилнинг 11 июлдаги навбатчиликдан кейин 16,20, 23 - июл кунларидаги навбатчиликларингиздан УЗР МКнинг 113-моддасига ҳилоф равишда четлаштирилгансиз... Бундан ташқари, Сизга нисбатан маъмурият томонидан меҳнат қонунини назарда тутилмаган интизомий жазо чора қўлланилиб, яъни уч ой муҳлатга 0,25 ставкангиз ғайриқонуний равишда қисқартирилган. Маъмуриятнинг 2001 йил 15 мартдаги 32-У ва 26 июлдаги

ойидаги 14-баённомаси юридик кучга эга эмаслиги таъкидланган. Шунга кўра маъмурият В.Абдуллаевани аввалги ишига тиклаши, мажбурий ишга чиқмаган кунлари учун иш ҳақини ундириб бериши зарурлиги кўрсатилган.

Аммо ордан шунча вақт ўтганига қарамай, В.Абдуллаева ишга тиклангани йўқ. Вилоят касаба уюшма Кенгаши таклифига кўра биз ҳам масалани имкон қадар ўргандик. Шу ўринда баъзи мулоҳазалар. Шифохонанинг янги бош ҳақими Б.Назиров меҳнат интизоми талаб даражасига кўтаришга киришган. Лекин бунинг учун ҳали жуда кўп иш қилиниши керак. Аввало, меҳнат муносабатларини тартибга солидиган жамоа шартномасини қайта қўриб чиқиш лозим. Чунки унинг айрим бандлари амалдан чиқарилган

ҚОНХЎР ТЕРРОР

Бу балога қарши кураш башарият учун ё ҳаёт, ё мамот масаласидир

Терроризм бор экан, ҳеч қачон осуда яшолмаймиз. Бу офат, бу бало-қазо дастидан не-не мамлакатлар азият чекмади, дейсиз. Улар дарҳол қонхўр терроризмни жазолани қатъий талаб қилиб чиқдилар.

Америка ҳукумати шундай вазиятда аср вабосини таг-томири билан йўқ қилиш, ер юзининг қайси бурчада бўлмасин, бундай ёвуз кучларни қўллаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ билан таъминлаётган, кўпорувчилик, вайронкорлик ҳаракатларига йўллаётган марказларга қарши муроғасиз кураш эълон қилди.

Элим деб, юртим деб, тинчлик деб ёниб яшаётган ва бошқаларни ҳам хамиша, ҳар он шунга да-

ват этиб келаётган, эзгулигу инсонпарварлик гоёларига хормай-толмай хизмат қилаётган ва бу бекиёс сазй-ҳаракатлари жаҳон микёсида кенг эътироф этилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Баёнотида терроризмга муносабат масаласидаги Ўзбекистон позицияси ўзининг ёркин ифодасини топди. У ҳеч қандай шубҳа-ю иккиланишларга ўрин қолдирмади. Одамларимиз иродасини, эзгуликка, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади, тинчлик учун қатъий тўриб курашга чорлади. Шу тариқа осуда ҳаёт, тинчлик-хотиржамлик учун сўзда эмас, амалда астойдил сазй-ҳаракат қилиш ҳаётимиз мезонига айланди.



Милиция ходими, ширкат вакили, маҳалла фаоли, уй бошқарувчиси ва яшовчилардан иборат тузилган гуруҳ фаол ҳаракат қилиб, осуда ҳаётни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Президентимизнинг Баёоти ҳамда ЎзА муҳбири саволларига жавоблари одамлар онгшуридан чўқур жой олганлигини сездим, - дейди ширкат бошқаруви раиси Нодирбек Рустамов. - Бундан шундан ҳам билса бўладики, кўпчилик ёрдамида қисқа вақт ичида барча уйларнинг ертўла ҳамда томга чиқиш йўлақларига панжалар ўрнатилиб, қўллаб қўйилди. Уларнинг ҳар бирига жавобгар шахс тайинланган. Қўқор Бобоев, Давлат Абдусодиқов сингари ўнга яқин электр пайвандчи ўз ташаббуси билан тадбирларни амалга оширишда қатнашди.

Нуронийлар таклифи асосида яқинда ички ишлар ходимлари билан биргаликда хонадонлар қўздан кечирилди. Рўйхатда бўлмаган ёки ноқонуний равишда яшаб келаётган ўнга яқин киши аниқланиб, уларга нисбатан чоралар қўрилди.

Кишилар тинчлик-осойишталик учун қаттиқ туриб курашиш кераклигини, бунинг учун ҳар бир фуқаро ҳисса қўшиши лозимлигини чўқур аниқламоқда. Ер-тўраларга ўрнатиладиган темир эшик, панжара, қўлфлар келтиришда 4-қозонхона, «Баҳодир» кафееси, «Лаззат» сархил ичимликлар қорхонаси, «Хурсон баҳори» дўкони жамоаси яқиндан ёрдам кўрсатди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўрилди. Шу вақтгача биноларни таъмирлаш ишларига 16,5 миллион сум маблағ ширкат ҳисобидан ажратилди. 13 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«ЯРАМАСЛАР УМРЛОШИМДАН АЙИРДИЛАР»

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида оиласи террорчилардан жабр кўрган Ренат ака Утиев истиқомат қилади. У билан дилдан суҳбатлашиб қолдик. Нуроний қалб сўзларини шундай ифода этди:

— Террорчилар ким? Дунёда энг ярамас, энг муд-

ҳиш, энг бахтсиз кимсалар улар. Мансаб ва манфаат деб ота-онасидан, Ватанидан кечган қонхўрлар. Уларга нисбатан бутун вужудим нафратга айланган. Қани энди, имкон бўлса-ю, газандаларнинг гирибонидан олсам. Ёвузлар мени умрдошимдан айирдилар, орзуларим чиппақка чиқди...

Хотиним Бибисора топиламан аёл эди. Ҳалол яшашга, камсуқум бўлишга ҳаракат қиларди. Камтарин яшардик. Аммо уйимиздаги ҳар бир жиҳоз пешона тери эвазига келтирилган. Бибисора ойлигидан тийинлаб йиғиб, энди қайнисини уйлантирмаман деб турганида, 1999 йил 16 февралда пойтахтимизда содир этилган жиноятқорона қўпоровчиликнинг қурбони бўлди. Қани айтинг-чи, бу оддийгина аёлнинг гуноҳи нима эди? Тинчгина ўз ишини қилиб юрган кишиларни қон қақшатиш қайси мусулмончиликка тўғри келади?

Террорчилардан азият чеккан кимса сифатида инсоният бошига битган бало бўлмиш газандаларни таг-томири билан қуритиш йўлида амалга оширилаётган ҳаракатларни қўллаб-қувватлайман. Танимда жоним бор экан, тинчликни мустаҳкамлашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан. Бор гап ҳам шу, энди ортиқча тақаллуфни йиғиштириб қўйиб, бор ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик. Ҳар биримиз ўз вазифамизни виждонда адо этилайлик. Маҳалладаги ноҳўя қадам қўяётган бир йиғитнинг тўғри йўлга соловчас, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ ташлаб, ўз уйимизни, ўз маҳалламизни ўзимиз асрай билсак, шунинг ўзи катта гап!

М. КАЮМОВ.

ЕР СОЛИФИ ХУСУСИДА

Саволингизга ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

САВОЛ: Ер солигидан кимлар озод қилинади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

С. Эрнафасов, Беруний тумани. ЖАВОБ: Солиқ Кодексининг 102-моддасига биноан айрим тоифадаги юридик шахслар ер солигидан озод қилинадилар:

- 1) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларида тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганлардан ташқари;
- 2) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари — ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга оширишда уларга ажратилган ер участкалари учун;
- 3) деҳқон (фермер) хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;
- 4) чет эл сармоялари иштирокида, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар — рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида;
- 5) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ноғиронлар ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно);
- 6) (б-банд чиқариб ташланган)
- 7) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар — ташкил этилган пайтдан эътиборан биринчи фойда олгунига қадар, бироқ бу муддат улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим;
- 8) мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиёт олишга сарфласа;
- 9) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.

Шубҳа модданинг биринчи қисми 3 ва 4-бандларида кўрсатилган юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ миқдори уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Қуйидаги жисмоний шахслар ер солигидан озод қилинадилар:

- 1) яёлов қорвачилигининг чўпонлари, йилқибочқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;
 - 2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Уруш Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали «Шухрат» ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва қатнашчилари;
 - 3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингентни тарқибда ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларида қаҳирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;
 - 4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қаҳирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига;
 - 5) I ва II гуруҳ ноғиронлари;
 - 6) ёлғиз пенсионерлар;
 - 7) боқувчисини йўқотган кўп балили оилалар;
 - 8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тўтқунлари, Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;
 - 9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.
 - 10) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.
- Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган имтиёзлар яқка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрулар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.



ГАЗАНДАЛАР ҲАҚИДА

УЧОГИ ФАҚАТ АФҒОНИСТОН ҲАМДА УСАМА БИН ЛОДИН БИЛАН ЧЕКЛАНМАГАН

Расмий маълумотларга қўра, дунёдаги давлатлар ҳудудида 210 тадан ортиқ террорчи ташкилотлар ва ҳаракатлар мавжуд. Инсониятнинг бу ёвуз ва жirkanч душмани кўз қўриб, қулқоқ эшитмаган жиноятларга қўл урмоқда. Қарангчи, бир йилда дунё бўйича 320 тадан 660 тагача террорчилик ҳуружлари содир этиларкан. Энг ачинарлиси, ташвишланарлиси, минглаб бегуноҳ аҳоли ёвузлик ҳаракати қурбони бўлмоқда. Биргина Токио метросида диний экстремистик «Аум Сенрикё» террорчилар ташкилоти томонидан содир этилган оғир жиноят оқибатида 5,5 минг киши ҳаётини етказилган.

Бугун терроризм ўчоги фақат Афғонистон ҳамда Усама бин Лодин билан чекланиб қолмайди. Аср вабоси бошқа қўллаб-қувватлаётган мамлакатларда ҳам макон топган. Мана уларнинг айримлари.

ХАМАС — ислом қаршилик ҳаракати. 1987 йилда ташкил топган ХАМАСнинг асосий кучлари Фазо минтақасида ҳамда Урдун дарёсининг Фарбий соҳилидаги бир неча туманларда жойлашган. Ташкилот Исроилга қарши ҳунрезликлар уюштириб келмоқда. Маънавий етакчиси шайх Аҳмад Есин. Есиннинг «Ал-ахром» газетасига берган интервьюсида таъкидлашганича, уларнинг ташкилоти Исроилга қарши курашда ўзини қурбон этувчи жангарилар — ками-

кадзеларни тайерлашни режалаштиряпти. ХАМАС Исроил ва Урдунда иш олиб боради. Эрон ва Саудия Арабистонидagi баъзи ҳомийлар томонидан моддий кўмак олади.

Бундан бир неча кун аввал Исроил маҳфий бўлинмалари томонидан ушбу ярамас ташкилот етакчиларидан бири Абдул Раҳмон Ҳамад ўлдирилди.

Жамоатул-Исломиёй. Мисрдаги йирик террорчи гуруҳлардан. Етмишинчи йиллар охиридан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳнинг энг қонли қилмишларидан бири Луксорда 58 нафар чет эллик сайёҳнинг ўлдирилишидир. Ташкилот аъзолари бугунги кунда Мисрдан ташқари Буюк Британия, Афғонистон ва Австрияда иш олиб бормоқда. Миср ҳукумати вакиллари маълумотига қараганда, террорчиларнинг Эрон, Судан ва Афғонистондаги гуруҳлар қўллаб-қувватламоқда.

«Хизбуллоҳ» Лубнондаги террорчи гуруҳлар ташкилоти. Ёвуз нияти — Лубнонда Исроил давлати тузиш ва мамлакатдан мусулмон бўлмаганларни чиқариб юбориш. Ташкилот жангарилари бир неча мингдан ортиқ деб тахмин қилинади. «Хизбуллоҳ» Бекаа водийси, Байрутнинг жанубий минтақаларида фаолият олиб боради. Европа, Африка, Шимолий ва Жанубий Америкада ҳам ушбу ташкилотнинг бўлимлари мавжуд.

11 сентябр кун ИАҚШда содир этилган ёвузлик инсоният қўлини очди. Қонхўр террорга қарши халқаро ҳамжамият аёвсиз кураш бошлади. Газандалар ўчоқларининг қули қўқоқ совурилмоқда. Жумладан, Филиппин шимолида террористик хатти-ҳаракатлар

олиб бораётган, яъни турли идораларни портлатаётган, тинч аҳолини ўлдирётган, ҳукумат маъмурулари жонига қасд қилаётган «Абу Сайёф» деб аталмиш экстремистик гуруҳнинг 18 нафар жангариси йўқ қилинди.

Огоҳу хушёрлик ҳозирги куннинг энг муҳим шартларидандир. Ёвуз кучлар имкон бўлди дегунча қотиллик, вайронкорлик содир этиши мумкин. Ингуистоннинг Назран шаҳридаги Рашид Аушев номидаги футбол ўйингоҳида катта кучга эга бўлган бомба топилиб олинди. У тротил ўлимида 1 килограммга тенг бўлган. Уйингоҳга зудлик билан етиб келган саёблар бомбани зарарсизлан-тиришга муваффақ бўлишди. Хушёрлик қўлдан берилиб, бироз эҳтиётсизлик қилинганда, қўллаб одамлар қурбон бўлиши мумкин эди.

Юқорида қайд этилган газандалар ўчоқлари мавжуд бўлган бир шароитда, боз устига, турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик, осойишталикни сақлашга осонликча эришиб бўлмаслигини чўқур ҳис этасан киши.

МАҲАЛЛА ХУШЁР

Юнусобод туманидаги «Файз коммунал» уй-жой мулкдорларининг ширкати тасарруфидида 32 та кўп қаватли турак-жой биноси бўлиб, уларда 3800 киши истиқомат қилади. Бугунги кунда яшовчиларнинг аксарияти бефарқ эмас. Худудда нотаниш ёки шубҳали кимса кўринса, дарҳол унинг кимлиги билан қизиқилади. Ширкат ҳудудидида доимий навбатчилик ташкил этилган.

«ЯРАМАСЛАР УМРЛОШИМДАН АЙИРДИЛАР»

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида оиласи террорчилардан жабр кўрган Ренат ака Утиев истиқомат қилади. У билан дилдан суҳбатлашиб қолдик. Нуроний қалб сўзларини шундай ифода этди:

— Террорчилар ким? Дунёда энг ярамас, энг муд-

ЁШЛАРИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат ва маънавият қўроғи Шавкат Маматовнинг «Фидойий ёшлар» клуби ҳамкорлигида «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамияти барпо этиш асоси. Киш-лоқдаги ислохотларни янада ривожлантиришда ёшларнинг иштироки» мавзусида семинар ўтказилди.

— Анжумани ўтказишда асосий мақсад, ёшларнинг ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳолатни яхши тушунишга, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиёт олишга сарфласа;

9) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари.

даги бўшлиқларга барҳам бериш, уларни ҳар хил оқимларга қириб қолишига йўл қўймаслик, йиғит-қизларни бирлаштиришда эса хоҳиш-иродаси, ҳаёт режалари, ташвиш-армонлари ва орзу-умидларидан келиб чиқиб зарурдир.

Шунингдек, мазкур семинарда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида ёшлар билан ишлаш, ёшларга тааллуқли муаммоларни бевосита улар иштирокида ҳал этиш каби масалалар кўрилади.

Қорақалпоғистонда оилавий низо-ларни судда қўриш амалиётига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг фуқаролик ишлар бўйича судлар раислари ва ФХДБ бўлимлари мудирилари, маҳалла кўмиталари раислари иштирок этди.

ОИЛАВИЙ НИЗО ЕЧИМИ

Тадбир иштирокчилари оилавий низо-лар: никоҳсиз турмуш, никоҳдан ажраш, алимент ундириш, умумий мулкни бўлишга оид масалаларнинг судда қўриб чиқилиши юзасидан ўзаро фикр алмашди. Оила қонунчилиги соҳасида билдирилган таклифлар мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилди. Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Қамолов иштирок этди.

(УЗА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ХАЛҚА ТОРАЙМОҚДА

Афғонистондаги террорчиларнинг ахволи кундан-кунга мушкуллашиб бормоқда. Қобул, Қандаҳор, Кундуз шаҳарларида берилган зарбалар натижасида «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий тизимлари деярли ишдан чиқарилди. Кунчи-кеча АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Шимолий Иттифоқ «пойтахти» деб ҳисобланган Мозори-Шариф остоналарига ҳам бомбалар ёғдирдилар. Шунингдек, бевосита Тожикистон чегарасига яқин бўлган Тулуан ҳудудлари ҳам зарбага учради. Бу орада Россия Шимолий Иттифоқ кучларига зирҳли техника етказиш беражаклигини эълон қилди. Яқин кунлар ичида Россиянинг замонавий танклари мазкур минтақаларда пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

ҚУРБОНЛАР ЁДГА ОЛИНДИ

Шу йилнинг 11 сентябрида АҚШда рўй берган террорчилик ҳуруж-

лари ҳамон тинчликпарвар инсонлар қалбини ларзага солмоқда. Улар Нью-Йорк, Вашингтон ва бошқа жойларда ҳаётдан бевақт кўз юмган кишиларни ёд этиб аза тутмоқдалар, улар хотирасини ҳеч қачон унутмасликларини намойиш қилмоқдалар. Кунчи-кеча АҚШнинг Нью-Йорк ва Буюк Британия пойтахти Лондонда қурбон бўлганлар хотирасини эслаш маросими ўтказилди. Нью-Йоркка йиғилганлар бевосита Халқаро Савдо Маркази — фожеа юз берган заминдан келтирилган тупроқларни муқаддас ашё сифатида ўзлари билан бирга олиб кетдилар.

КУЙДИРГИ ВАСВАСАСИ

Кейинги кунларда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Олмонья, Россия каби йирик мамлакатларда одамлар террорчиларнинг «биологик» ҳужумидан чўчиб қолганликларни сир эмас. Зотан АҚШнинг энг нуфузли идоралари, почта муассасалари, банк маҳкамалари, авиация тизимларида фаолият кўрсатаётганлар, айниқса, куйдириги деб аталмиш бало хавфидан ўзларини сақлаш учун сергаклик билан иш юритмоқдалар. Чунки почта орқали келаётган турли катта-кичик жилдларда ёхуд мактублар ўрамларида айна ушбу касални тарқатадиган «оқ ун»

ЛОЙИҲА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Терроризмга қарши кураш борасида қандай воситалар ижобий самаралар келтирса, уларнинг бари бошқарув тизимасида ишга туширилмоқда. АҚШ қонунчилигида кишиларнинг шахсий ҳаётига аралашув азал-азалдан ман этиб келинган. 11 сентябр воқеаларидан сўнг бу кўхна тамойилга ҳам ўзгартиришлар киритиш жоизга ўхшаб қолди. Шу боис бўлса керак, кунчи-кеча АҚШ сенати фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашувга имкон берувчи янги қонун лойиҳасини қабул қилдилар. Унга биноан эндиликда қиёсга олинган ёхуд гумон қилинган шахсларнинг уйлари, кундалик ҳаёт тарзи ёки ёзишмалари махсус хизмат ходимлари томонидан бемалол текширилиши мумкин.

АЙБЛОВ СЕНИ ОРТМОҚДА

Маълумки, бундан бир қанча вақт муқаддам Югославиянинг собиқ президенти Слободан Мило-

АДВОКАТНИНГ ЎЛИМИ

Мексикада ўзининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шухрат топган 38 яшар адвокат Дигна Очоа хоним ўз иш-

КЎШИН ЧЕКИНДИ

«Ишонч»нинг ўтган сонларида Исроил томони ўз қўшинларини Фаластин ҳудудларида олиб чиқиб кетишга қарор қилганлиги тўғрисида хабарлар берган эдик. Эндиликда бундай қадамлар амалиётга айланди, дейиш мумкин. Сўнги кунларда Исроил қўшинлари Вифлеем ҳамда Байт-Жала шаҳарлари минтақаларидан ўзларининг эски қўнгалгоҳларига қайтганликларини тўғрисида маълумотлар тарқатилди. Бундай қадам қўйишга Хадер шаҳрида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар ҳам монелик қила олмади. Зотан бу тўқнашувда қурбонлар берилган эди.

ИНТЕРНЕТ ВА ҲАЖОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА Р.УМАРОВ ТАЙЁРЛАДИ.



БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Беш нарсдан аввал беш нарсанинг қадрини бил: касал бўлмасдан аввал соғлиқ, қаримасдан аввал ёшлиқ, қашшоқликдан аввал бойлик, қарамликдан олдин озодлик, ўлимдан аввал тириклик қадрини бил.

Тўрт нарса борки уларнинг ози ҳам кўп. Булар касаллик, олов, душман, қарздор.

Дунёда икки ишдан кўра хайрироқ нарса йўқ: оқ одамнинг қорини тўйдириш, гамли одамни қувонтириш.

Энг оғир дард — нодонлик, энг кучли касаллик — пасткашлик.

Ҳар қандай яранинг тузаллишига даво бор, ammo виждон ярасини тузатилишига умид йўқ.

Саломат бўлай десаңг, нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

Икки нарса юракни бакуват қилади. Бири — саҳбат, иккинчиси донолар суҳбати.

Тўрт нарса кўзга зиё бағишлайди: оқар сув, чиройли юз, яшил сабзозор, хушхат китоб.



Архив

Бировга ишониб баъзан панд ейман, Лекин ташлолмайман шу одатимни. Балки, шу ишончдир саодатимнинг Умри, келажаги, боиси дейман.

Ахир ишонмас биронта менга, Санҷинг афзалроқ қалбимга тикан. Шу ишонч ошиён қурмаган жойда, Айтинг-чи, чинакам шодлик бормикан?..

Яланғоч новдалар мудрайди қарахт, Қорними кутади тамшаниб кўкка. Чайир панжаларин ёзиб ҳар дарахт, Бедор қариядек ухлайди тикка. Дув тўкиб олтин ранг япроқларини Кимхоб поёндоздек йўлларга тўшаб, Нисор қилиб бутун жон-жаҳонини, Кучдан қолган муноси онага ўхшар.

Баъзан рўзгордаги бирон буюмни

Саида ЗУННУНОВА:

ОЛОВ БЎЛИБ ЁНДИ БАҒРИМДА ЮРАК

Кўздек ардоқлаймиз чангдан ва намдан. Шунча аясайдик агар одамни, Шунча асрасайдик ўқиш ва гамдан. Юзлар табассумдан аримасмиди... Касод бўлармиди дори бозори. Кўрмай докторларнинг меҳрин, озорин Одамлар баъзан тез қаримасмиди... Судлар эснаб-эснаб бекорчиликдан, Иш сўраб қолхозга кетарди балки... Ҳарқалай шунақароқ бўларди дейман, Уйлардан эшитилса фақат куй, қулги.

Чумоли уясин бузган болага Қизим куйиб-пишиб қиларди ўғит: — Ўлдириб, аяси йиғлайди ахир, Аяси излайди, қуй, тегма, бор, кет! Зар сочса бунчалик қувонмас эдим, Бунчалик бўлмасдим бахтли, бадавлат. Нахотки, онани ўйлар гўдагим, Нахотки, солалдим қалбига шафқат.

Майли, гапирсинлар, қилсинлар иғво, Демак, жигларига тегар эканман. Фикру ўйларига бўлиб бир гағво, Санчилар эканман мисоли тикан. Қоралик ин қўйган улар ичига, Гўё бир чақимчи, бекорчи кўшни. Мен қудуқ қазийман игна учида, Бутун юрагимни сатримга қўшиб, Бировни боламдек сўйиб, аядим, Бировни дилимда отамдай кўрдим. Кимнидир жеркидим, ёмон қарадим, Бировнинг ҳолини меҳр-ла сўрдим. Шундай яшадим мен, шундай яшайман, Олов бўлиб ёнди бағримда юрак. Бу ўт — ахшиларнинг йўлини ёритиб, Ёмонни ёқмасе не учун керак?

Бош эгиб тингласам бирон иғвони,

Силтаб ташламасам ҳаром шу куним, Майли, бошлаб юрай доим гағвони, Майли, хаёлларим билмасин қўним.

Меҳнатсиз бир тийин кирса уйимга, Эътиқод, имондан шу кун мен жудо. Бошқача яшаш ҳеч келмас ўйимга, Шу менинг жаннатим, шу менга худо.

Катта маъракага бўлмас пулим, Чин дўст нон-чойимдан ўғирмас-ку юз? Шунинг қадрласа, кўксимда қўлим, Афзалроқ бахтим йўқ қилгани кўз-кўз.

Уйим ивирсиқроқ бўлса мабодо, Узр учун унга шеър ўқиб бергум. Шу кеч қалам, қоғоз, учов пиёда, Мижжа қоқмай тонггача юрдик.

Кунларим шу тахлит ўтади чоғиб, Шу тахлит бошлагум янғисини ҳам...

Нур бўлиб порлайди қалбим шеър ёзсам, Оташ ҳам тиниқ бир ўт бўлиб ёнур. Аммо ёмонликни кўрсам ё сезсам, Шундай тутадики дудга айланур.

Гарчи кўп ёндиму, гоҳ-гоҳ тутадим, Гарчи ёмонликни яхшилик ёнғди. Аммо, шу озгина тутаганларим, Яна қанча ёнишларга етарди.

Ишқда вафо керак, ҳаётда мардлик, Шоирга ҳаммаша дил керак дардлик. Уни бошқаларга қанча юқтирса, Уни бошқаларга қанча уқтирса, Шунча кўпаяди оламда яхши.

2001 йил - Оналар ва болалар йили

Навобий тумани марказий шифохонаси вилоятда биринчи бўлиб «Она ва боланинг энг яқин гағмҳўри» сертификатини қўлга киритди. Бунинг учун жамоа шифокорлари узок тайёргарлик кўрди ва жиддий имтиҳондан ўтди.

БУ ЖАҲЖИ ЧАҚАЛОҚЛАР

- Ишда янги усулларни қўллаш, - дейди бош врач ўринбосари А.Жалилова, - нафақат шифокорлар ишини енгиллаштиради, балки она ва бола саломатлигини ҳам ишончли муҳофаза қилади. Чақалоқ туғилганидан она бағрида бўлиши, унга ўз вақтида кўкрак сути берилиши соғлом бўлишининг асосий омил эканлиги аллақачон тажрибада исботланган.

Ана шу азалий тажрибага қайтган, шифохонада илҳобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Болалар ўлими камайди, туғилган кейин оналарда учрайдиган турли касалликларга барҳам берилди. (ЎЗА).

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Россиянинг Подольск шаҳрида бокс бўйича «Олтинг ринг» аънаваный халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. Унда 89 нафар энг кучли чарм қўлқоп устаси иштирок эди. Кескин ва муросасиз ўтган жангларда Ўзбекистон шарфини химоя қилган тўрт нафар спортчимиз совриндорлар сафидан ўрин олишга муваффақ бўлди. Азиз Улугов ва Икром Бердиев мусобақанинг кумуш медалларини қўлга киритган бўлса, Бекзод Хидиров ва Алишер Раҳимов бронза медалларига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда вилоятда спортнинг барча турлари кенг оммалашиб бермоқда ва наманганлик спортчилар мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқ...

РОСМАНА БЕЛЛАШУВ

далар. Тошкент шаҳрида спортнинг белбоғли тури бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида қўлга киритилган муваффақиятлар бунинг далилидир. Унда вилоят терма жамоасидан ташкил топган Тўрақўрғон тумани полвонлари ҳам муносиб беллашдилар. 66 килограмм вазнли полвонлар курашида барча рақибларидан устун келган Аҳмад Эгамов мамлакат чемпиони унвонини олишга эришди. 60 ва 100 килограммгача бўлган вазндаги полвонлар ўртасида гиламга чиққан Мирзохид Кўчқоров ва Нуриддин Ғозиевлар чемпионатнинг кумуш медаллари совриндори бўлишди. Ўта оғир вазнли Шухрат Бозоров эса ўзини чиройли ўрин соҳиб бўлди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

(Боши ўтган сонда).

Тўнғич ўғил Ботирга ота-онадан хушовоз, ижро этиш қобилияти мерос бўлиб қолди. Лекин унинг феъли ўзгача кўринарди бизга. Уни маънос қайфиятда деярли учратмаганман. «Деярли» дейишимнинг сабаби баъзан у санъат, ижоддан ниҳоятда йироқ бўлган «раҳбарлар» билан ҳеч чиқиса олмаслигини кўюниб гапирарди-да, дарҳол латифанамо ҳикоялардан бирини айтиб берарди. Ўзи қулмасди. Бизни қулдирадиди-да, кейин савол аломати билан бизга — суҳбатдошларига қараб турарди.

Бир гал у жиддий оҳангда гап бошлади: — Кеча Москвадан келдик. Биз билан маданият бошқармасининг бошлиғи ҳам борган эди. У ердаги театрга — МХАТга борамиз, деб туриб олдим. 3ўр спектакл бўлди. Парда ёпилди. Олқишладик. МХАТнинг жаҳонга машҳур артистлари, одатдагидек сахнага қайта чиқиб, миннатдорчилик билдира бошладилар. Томоша зали гулдирос қарсақлардан ларзага келаядди. Шунда қаторимизда ўтирган

ҳалиги бошқарманинг бошлиғи ёнимга келиб «Ботиржон, сахнадаги ларнинг қайси бири МХАТ ака?» деб сўраб қолди. Ҳайрон бўлдим, қулқоқларимга ишонмадим... Эшитмагандек, чапак чалиб туравердим. У қаттиқ овоз билан яна қулқоғимга шангиллади: «Қайси бири

САНЪАТГА САДОҚАТ

МХАТ ака? Айтсангизчи? Анови бурама мўйлабмили?..» Шўролар даврида санъатни бошқариш даъвоси билан юрган кишига МХАТ — бу артист эмас, балки Москвадаги академик бадиий театрининг қисқартирилган номи эканлигини тушунтириш зарур бўлипти... Ботир кинога билан айтиб берган воқеага бўлган муносабати менга аён эди. Бошлиқлар донги оламга тарала бошлаган бу хонандани катта зиёфатларга чақиришар, Ботир эса бормас ва бу билан ўзига душман орттирар эди. Овқат ёб, ичимлик ичиб ўтирган киши хиз-

Буни ҳаёт дейдилар

матида бўлиш Ботирга ҳеч ёқмас эди. Ашула-си, овози, санъатини қадрлар эди. Шу боис, ўша «раҳбарлар» томонидан унинг исми-шарифи хорижга борадиганлар рўйхатидан ўчирилаверарди. Эстрада

ликни йиғиштириб қўйиб айтилик: бунда Ботир Зокировнинг улуши бор. Уларнинг янги талқини, айтилиш мароми, таъсирчан авжлари, юракдан отилиб чиққан сўзларнинг мусиқавийлиги — булар завқ беради, ўйлантириб қўяди, - деб Ботирнинг кўнглини ёзмокчи бўлгандим бир гал. Чунки худди ўша ашулаларда ўз ҳолатини, ҳиссиётини ифода этгандек кўринарди менга. Суҳбатдошим ўша дамларни эслашни истамади, шекилли, гапни бурди: — Мени эндиғина ўзбек ашуласининг ижрочиси сифатида тан олишяпти, қадрлашяпти. Бундан мен беҳад хурсандман, - деб мактовга чек қўйган эди. Унинг «Раъно», «Мафтун бўлдим» каби ашуллари ўша кезлари машҳур бўлиб кетган эди. Ботир сахнага чиққанида уларни қайта-қайта айтишга ўрганиб, кўникиб қолган эди. Айтмаса бўлмасди — қарсақтинмасди.

Ҳамидулла АКБАРОВ. (Давоми бор).



Термиздаги «Қирққиз» макбараси ўрта аср Шарқ меъморчилигининг нодир дурдоналаридан ҳисобланади. Ўзига хос услубга эга бўлган бу макбара гишдан барпо этилган бўлиб, наққошлик ва меъморчиликнинг нозик намуналари асосида сайқал берилган. Нураётган макбара Термизнинг 2500 йиллик муборақ тўйи шарофати билан қайта таъмирланиб, асл қиёфа касб этмоқда. Бу ишда маҳаллий усталар билан бир қаторда Фарғона водийсидан ташриф буюрган нозик дид меъморлар, хунармандлар ҳам иштирок этмоқдалар. **Суратларда: моҳир уста Нормурод Жўраев; «Қирққиз» макбараси.**

ИЛҒОР ТАЪЛИМИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

Ривожланган хорижий мамлакатларда компьютер технологияси бўйича таълимий жараёнлар кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай илғор усуллар Ҳиндистон олий таълимида яхши самаралар бермоқда. Бу каби илғор ахборот технологияларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида Тошкент электр техника алоқа институтида муҳим таълимий тадбирлар кўрилмоқда. Бунда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз ёрдами-ни аямаёттир. Олий ўқув юрти элчихона билан яқин алоқа боғлаб, дастурий таъминот соҳасидаги илғор тажрибаларни қўллаш режаларини белгиллади. Узаро келишувга биноан институт бакалавр ва магистрларининг ҳинд дийрига ўқув сафарлари йўлга қўйилди. Ҳар уч ойда ўн нафар толиби илм Ҳиндистонга бориб, ўз билим ва малакасини ошириб қайтмоқда.

А. АЛИЕВ.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!
Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Савдолар 2001 йил 6, 13, 20, 27 декабр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносиде ўтказилади.
Савдоларга қуйидаги объект қўйилади:
Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 78-уйда жойлашган, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли давлат ишлаб чиқариш ҳўжалик ҳисобидеги «Самарқанд» нон қорхонаси.
Бошланғич баҳоси — 24555,0 минг сўм.
Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!
Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади.
Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.
Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17.

Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё соноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси Олмалик «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Гуломжон Ибрагимовга онаси
Кумринисо аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон енгил, мебел соноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси тармоқ касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти қўмитасининг Ижтимоий сўғурта ва ташкилий ишлар бўйича йўриқчиси Сафар Ташевга укаси
Собит ТОШЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г — 2924. 1 2 3 4 5 6